

بسم الله الرحمن الرحيم

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ

Мухтарам азизлар! Барчамизга маълум ва равшандирки, ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг истикболи, бахт-саодати ва келажақда мустақил ҳаёт кечириб, жисмоний, маънавий ва рухий жихатдан баркамол авлод бўлиб етишишини ният қилади. Мана шу мақсадларга етишишда муқаддас Ислом динининг том маънодаги улуғвор таълимотига амал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ислом динида болаларни ҳали мурғаклигиданоқ гўзал ахлоқ ва одобга ўргатиб бориш тавсия этилади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

عن عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ يَقُولُ، كُنْتُ غُلَامًا فِي حِجْرِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَتْ يَدِي تَطِيشُ فِي الصَّحْفَةِ فَقَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "يَا غُلَامُ سَمِّ اللَّهَ وَكُلْ يَمِينِكَ وَكُلْ مِمَّا يَلِيكَ فَمَا زَالَتْ تِلْكَ طِعْمَتِي بَعْدُ"

(رواه الامام البخاري).

яъни: Умар ибн Абу Салама р.а. айтадилар: “Мен Расулуллоҳнинг қарамоғларида ёш бола эдим. Овқат вақтида кўлимни товоқнинг ҳамма ерига узатар эдим. Шунда, Расулуллоҳ менга: **“Эй болакай! Аввал, “Бисмиллоҳ”ни айт, сўнгра ўнг қўлинг билан, ўзингни олдиндан олиб егин**”, деб ўргатдилар. Шундан бери ўшандай овқатланадиган бўлдим” (Имом Бухорий ривояти).

Динимизда ёшларни асосан ростгўйлик, ваъдага вафо, омонатдорлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ўзгаларга меҳр-оқибатли бўлиш каби фазилатлар соҳиби қилиб вояга етказишга катта аҳамият қаратилади. Пайғамбаримиз с.а.в. ҳадисларининг бирида шундай марҳамат қилдилар:

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "مَا نَحَلَ وَالِدٌ وَلَدًا مِنْ نَحْلٍ أَفْضَلَ مِنْ أَدَبٍ حَسَنٍ" (رواه الإمام الترمذي).

яъни: **“Ота ўз боласига чиройли одобдан кўра яхшироқ нарса бера олмайди”** (Имом Термизий ривояти).

Ёшларнинг жисмонан бақувват, танлари соғлом, ғайратли ва шижоатли бўлишларида жисмоний тарбиянинг аҳамияти каттадир. Ислом дини таълимотида жисмоний тарбия тушунчаси замирига нафақат бадан тарбия

машқлари билан шуғулланиш балки, инсон саломатлиги учун зарур бўлган барча омилларга риоя қилиш, айти пайтда саломатлик учун зарарли, балки ҳаёт учун хавфли бўлган иллатлардан сақланиш назарда тутилади. Қуйидаги ҳадис шунга далолат қилади:

عَنْ أَبِي رَافِعٍ، قَالَ: "قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلِلْوَلَدِ عَلَيْنَا حَقٌّ كَحَقِّنَا عَلَيْهِمْ؟" قَالَ: "نَعَمْ، حَقُّ الْوَلَدِ عَلَى الْوَالِدِ أَنْ يُعَلِّمَهُ الْكِتَابَةَ وَالسَّبَّاحَةَ وَالرَّمْيَ، وَأَنْ يُؤَدِّبَهُ طَيِّبًا" (رواه الإمام البيهقي).

яъни: Абу Рофиъ айтадилар: Мен: Ё Расулulloҳ с.а.в.! Бизнинг болаларимизда ҳаққимиз бўлгани каби, уларнинг ҳам бизда ҳақлари борми? – деб сўрадим. Шунда Расулulloҳ с.а.в.: **“Ҳа, боланинг отадаги ҳаққи унга ёзишни, сузишни, камондан отишни ўргатмоглиги ҳамда ҳалол ва покиза нарсалар бериб тарбияламоқлиги”**, дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

Мухтарам жамоат! Ислом дини таълимотида ёшларни ақлан тарбия қилиш ҳам муҳим масала саналади. Бунда уларни манфаатли илм соҳиби қилиб тарбиялаш, фикрий ва илмий жиҳатдан етук инсон қилиб камолга етказиш назарда тутилади. Ислом динида илм деганда диний ҳам дунёвий илмлар тушунилади. Диний илм инсоннинг руҳий ҳаёти, унинг эътиқодига оид бўлиб, охирати учун зарур бўлса, дунёвий илм унинг жисмоний ҳаёти, дунё ободлиги учун зарурдир. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "خَيْرُكُمْ مَنْ لَمْ يَتْرُكْ آخِرَتَهُ لِدُنْيَاهُ وَلَا دُنْيَاهُ لِآخِرَتِهِ وَلَمْ يَكُنْ كَلًّا عَلَى النَّاسِ"

(رواه الإمام الخطيب و الإمام الديلمي).

яъни: **“Сизларнинг энг яхшиингиз бу дунёсини деб охиратини унутмаган, охиратини деб бу дунёсини унутмаган ва ўзгаларга малол келтирувчи бўлмаганингиздир”** дейилган. Ушбу таълимотларга жону дили билан амал қилган ажодларимиз, буюк бобокалонларимиз ҳам шариат, ҳам тариқат ва ҳам илм-фан соҳасида бутун дунёга ўрناк бўлганлар.

Ёшлик даврининг эътиборга молик жиҳатлари жуда кўп. Ўспиринлик вақти инсоннинг феъл-атвори ва руҳияти шаклланадиган асосий давр бўлиб, айти шу даврда уларга алоҳида аҳамият қаратмоқ лозим. Жумладан, ёшларни аҳли солиҳ кишилар билан дўсту биродар бўлишларини таъминлаш зарур. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларининг бирида шундай деганлар:

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "مَثَلُ الْجَلِيسِ الصَّالِحِ وَالسُّوءِ كَحَامِلِ الْمِسْكِ وَنَافِخِ الْكِيرِ فَحَامِلُ الْمِسْكِ إِمَّا أَنْ يُحْذِيكَ وَإِمَّا أَنْ تَبْتَاعَ مِنْهُ وَإِمَّا أَنْ تَجِدَ مِنْهُ رِيحًا طَيِّبَةً وَنَافِخُ الْكِيرِ إِمَّا أَنْ يُحْرِقَ ثِيَابَكَ وَإِمَّا أَنْ تَجِدَ رِيحًا خَبِيثَةً" (رواه الإمام البخاري).

яъни: Абу Мусо р.а.дан ривоят қилинади, Пайғамбар с.а.в. дедилар: **“Яхши ҳамсуҳбат билан ёмон ҳамсуҳбатнинг мисоли мушки анбар сотувчи билан темирчининг босқонига ўхшайди. Мушки анбар сотувчи атридан совга қилиши ёки ундан сотиб олишинг, ҳеч бўлмаса унинг хушбўйидан баҳра олишинг мумкин. Аммо, темирчининг босқони эса, ё кийимингни куйдиради,**

ҳеч бўлмаса тутуни димогингни ачитади” (Имом Бухорий ривояти). Халқимизда: “Қозонга яқин юрсанг қораси юқади” деган нақл ҳам бор. Ҳасанул Басрий р.х. бир куни одамларга: “Экин пишиб етилгандан сўнг нима қилинади?” деб савол бердилар. Улар - Ҳосили йиғиб олинади, дейишди. Шунда Ҳасанул Басрий р.х.: “Шуни билингларки, гоҳида экин пишиб етилмасидан олдин унга офат (касаллик) етиши ва уни нобуд қилиши ҳам мумкин”, деб ёшлар тарбиясига эътиборли бўлишга, кишининг ёшлик даврини қандай ўтказиши унинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутишига ишора қилдилар. Ёшлик даври қалбнинг мусоффолигини сақлаш, уни имон ва илму маърифат нури билан тўлдириш учун энг қулай фурсатдир.

Мухтарам жамоат! Мавъизамизнинг ҳанафий мазҳабимиздаги фикҳий масалалар қисмида **намоздаги амаллар ҳақида суҳбатлашамиз.**

Намозда хушу-хузу (ўзини камтарона тутиш) билан туриш лозим. Бунда назарни сажда қиладиган жойга қаратиб, диққатни жамлаш муҳимдир.

Намозни бошлашда такбир айтиб, икки қўлни бош бармоқлари қулоқнинг юмшоқ жойига тегизиб турилади. Намознинг ичидаги бошқа такбирларда қўллар кўтарилмайди.

Ўнг қўли билан чап қўлининг ошиғини ушлаб, киндик остига қўяди.

Бомдод намозида, шом ва хуфтан намозининг аввалги икки ракъатида, шунингдек, жума ва икки ҳайит намозларида имом жаҳрий (овозини чиқариб) қироат қилади. Намозни ёлғиз ўқийдиган киши хоҳласа жаҳрий, хоҳласа махфий қироат қилади. Имомга иқтидо қилаётган киши қироат қилмайди.

Имом “валаззоллийн” деганда, ичида “омийн” дейди. Имомга иқтидо қилувчилар ҳам уни махфий (овоз чиқармасдан) айтадилар.

Рукуда қўллар тиззага, бармоқларнинг орасини очган ҳолда қўйилади. Рукуда тизза ва тирсаклар букилмаган ҳолатда бўлиши лозим.

Саждага боришда аввал икки тизза, сўнгра икки қўл ерга қўйилади. Саждада икки қўли икки қулоғи баробарида, қўлтиқларини кериб, тирсагини ерга теккизмай, қорнини сонига ёпиштирмай, икки оёғини ердан узмай туради.

Иккинчи ракъатнинг иккинчи саждасидан бошни кўтарганда чап оёқни тўшаб устига ўтиради, ўнг оёқнинг бармоқларини қибла тарафга қаратиб тикка қўяди. Икки қўлини икки сонининг устига, бармоқларини қибла тарафга узатган ҳолда қўяди.

Аллоҳ таоло ёшларимизни илму маърифатли авлод бўлиб етишмоқларини насибу рўзи айлаб, ота-оналарнинг бу йўлда чеккан заҳматларига улкан ажру савоб ато этсин. Юртимизни тинч, келажagini бугунгидан ҳам порлоқ қилсин. Омин!